

Фикҳ дарслари (45-дарс). «Ал-муомалот ал-молия»



14:00 / 10.08.2019 4459

Ушбу ном ила охирги пайтларда кўпгина китоблар ёзилди. Молиявий масалалар кўп учраб, мусулмонларнинг ҳожати тез-тез тушиб тургани учун ҳам бу иш кўплаб амалга оширилганлиги кўриниб турибди. Иккинчидан, молиявий муассасаларнинг имконлари яхшилиги ҳам бош омил ўлароқ бу маънодаги баҳс, тадқиқот ва китобларнинг юзага келишини тезлаштирди. Турли банклар ва бошқа иқтисодий муассасалар уламоларга шароит яратиб бериб, улардан ўзларининг ҳожати тушиб турадиган масалаларни ёритиб беришни сўрадилар ва бу иш амалга ошди.

Бу турдаги китобларга қуйидаги асарларни мисол қила оламиз.

«Фикҳу ал-муомалот ал-молия фил Ислам».

Бу китобнинг муаллифи шайх Ҳасан Айюб. Муаллиф ушбу китобида бугунги кундаги молиявий муомалаларни осон услуб ва тил билан баён қилиб берган. Фикҳий ҳукмларнинг далилларини ҳам мухтасар шаклда келтирган. Аввал молиявий муомалаларга боғлиқ ҳадисларни келтирган. Кейин улардан фақиҳлар чиқариб олган ҳукмларни зикр қилган.

«Фикҳу ал-муомалот ал-молия фил Ислам» китобида савдонинг турлари, рибо, салам, қарз, гаров, ширкат, ижара, ҳиба, вақф, васиятлар, топилмалар, шуфъа ва кафолат каби мавзулар ёритилган. Китобнинг

биринчи нашри 2003 йили «Дорус-салам» нашриёти томонидан амалга оширилган.

«Диросатун шаръийятун ли аҳаммил уқудил молиятил мустаҳдасати».

Бу китобнинг муаллифи Муҳаммад Мустафо Абуҳу Шинқитийдир. «Диросатун шаръийятун ли аҳаммил уқудил молиятил мустаҳдасати» китобининг номини таржима қиладиган бўлсак, «Янги пайдо бўлган молиявий ақдлар бўйича шаръий изланишлар» деган маъно келиб чиқади.

Муҳаммад Мустафо Абуҳу Шинқитий бу китобида тўрт мўътабар фикҳий мазҳабнинг ва баъзи уламоларнинг қавлларидан истифода этган. У фуруъул фикҳ, усулул фикҳ, ҳадис, тафсир ва фикҳий қоидаларга оид эски китоблардан ҳамда янги энциклопедиялар ва китоблардан фойдаланган. Шунингдек, турли халқаро илмий анжуманлар, махсус илмий гуруҳлар ва Ислом Фикҳи Академияларининг ҳужжатларини ҳам эътиборга олган.

Муаллиф асосан молиявий муомалалар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим қилишга ҳаракат қилган ва Ислом банклари амал қилаётган муомалаларнинг шаръий ҳукмини баён қилишга эътибор берган. Китоб икки жудан иборат бўлиб, унинг иккинчи нашрини «Мактабатул улуми вал ҳиками» нашриёти 2001 йили Мадинаи Мунавварада амалга оширган.

«Ал-муомалотул молиятул муосирату фил фикҳил Исламий».

Бу китобнинг муаллифи Иордания Дорилфунуни шариат куллияси, фикҳ ва унинг усули қисмида фаолият олиб борувчи доктор Муҳаммад Усмон Баширдир. У киши дорилфунунда мазкур китобнинг номи бўйича, яъни «Замонавий молиявий муомалалар Ислом фикҳида» номли фан бўйича дарслар ўтган ва кейинчалик маърузалари матнини китоб қилган.

«Ал-муомалотул молиятул муосирату фил фикҳил Исламий» китоби муқаддима, тўрт фасл ва хотимадан иборат.

Муқаддимада китобни тайёрлашдаги услуб ҳақида сўз юритилган.

Биринчи фаслда замонавий молиявий муомалалар билан иш олиб бориш услуби ва хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи фаслда эса муаллифлик ва ихтирочилик ҳаққи ва тижорий рамз каби маънавий ҳақлар тўғрисида сўз юритилган.

Учинчи фаслда суғурта низоми ва унинг ўрнидаги шаръий тизим ҳақида баҳс кетган.

Тўртинчи фаслдаги маълумотлар пул бирликлари, қимматбаҳо қоғозлар, улушлар каби нарсалардан иборат.

Бешинчи фаслда Ислом банклари ва улардаги иш услублари ҳақида гап борган. Китобнинг тўртинчи нашри 2001 йилда Аммонда «Дорун-Нафоис» томонидан амалга оширилган.

Бу мавзудаги китоблар анчагина бор. Улар билан танишиб чиқилганда, кўпинча ушбу китоблар таъриф ва тавсиф ҳамда у ёки бу молиявий муомаланинг шариатга тўғри келиши ёки келмаслиги ҳақидаги маълумотлар ва ҳукмларнинг далилларидан иборат эканлиги мулоҳаза қилинади. Худди ўша молиявий муомалаларнинг тафсилотлари ва улардан воқеликда келиб чиқадиган муаммо ва низоларни бартараф қилиш учун керак бўлган ечимларни топиш эса мушкул.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан